

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАНОВА МУҚАДДАС ҚАХРАМОНОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ  
ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рахманова Муқаддас Қахрамоновна**

Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни

ривожлантириш ..... 3

**Рахманова Муқаддас Қахрамоновна**

Развитие социальной активности у студентов высших образовательных

учреждений ..... 23

**Rakhmanova Mukaddas Kakhramanovna**

Development social activity in students of the higher educational

establishments ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАНОВА МУҚАДДАС ҚАХРАМОНОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ  
ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодмонова Шоира Саидовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адизов Бахтиёр Раҳмонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ҳасанова Кибриё Ҳасановна**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва имкониятларига оид тадқиқотлар олиб борувчи Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия); Чунанг университети (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of Bridgeport (Чикаго), University of Warwick (Лондон) ва Edith Cowan University (Амстердам) каби нуфузли олий таълим муассасалари ва марказларида бир қанча амалий натижаларга эришилган. Бу эса талабаларнинг ижтимоий ва касбий фаолият кўникмалари ҳамда шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга доир янги педагогик воситаларни ишлаб чиқиш, ижтимоий-маданий ва коммуникатив фаолиятни самарали ташкил этиш малакаларини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқараш ва сиёсий ижтимоийлашувни қарор топтириш алоҳида эътироф қаратилмоқда. Шунингдек, ижтимоий фаолликнинг педагогик механизмлари сифатида талабалар ахлоқий, касбий ва коммуникатив тайёргарлигининг маънавий-маданий асослари, тараққиёт ғояларига онгли муносабати, технократик фикрлашини ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Республикамизда олий таълим мазмуни ва кадрлар тайёрлаш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, талабаларда ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришга маънавий-маърифий ишларнинг муҳим йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англанишига эришиш, ижтимоий талаб ва мажбуриятларга масъулиятни муносабатни қарор топтиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу эса талабаларнинг ижтимоий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик модели ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг интерфаол технологияларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, А.Маврулов, Г.Туленова, Ж.Туленов, М.Каҳҳарова, Э.Юсупов ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Талаба-ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик масалалари юзасидан Б.Адизов, Б.Рахимов, Г.Ж.Туленовалар, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, З.Исмаилова, Қ.Қ.Куранбоев, М.Қуронов, М.Махмудова, Н.А.Муслимов, Н.Ортиқов, Н.Эгамбердиева, О.Жамолдинова, О.Мусурмонова, Р.Джураев, Ў.Қ.Толипов, У.Маҳкамов, Х.И.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Ш.Шарипов, Ш.Шодмоновалар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мазкур муаммо юзасидан хорижлик А.Amutio, A.Smit, A.Yolanda, K.Franco, L.Breeman, R.Sears, R.O.Renye каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Турли соҳа олимлари томонидан олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш муаммоси юзасидан тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, маданий, ижтимоий, касбий ҳамда ижтимоий фаол шахс сифатида кабий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш масаласи етарлича тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастури доирасидаги “ОТ-Ф8-214. Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш”(2007-2011й.), “ИТД-4-122. Юксак маънавиятли

шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими ва педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий-маданий, миллий асосларнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

талабаларда ижтимоий фаолликнинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва коррекцион-педагогик механизмларини такомиллаштириш;

талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг лойиҳавий, модулли ва муаммоли таълим технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Наманган давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетларининг 360 нафар талабалари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир тарихий, сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ижтимоий фаолликнинг таркибий асосларини (когнитив, эмоционал, дунёқараш ва хулқ-атворга доир) касбий сифатлар (инсонпарварлик, фуқаролик ва ишбилармонлик), шахсий ижтимоий тажриба ва позиция билан алоқадорлигини эмпирик баҳолаш асосида аниқлаштирилган;

ижтимоий-педагогик мослашув босқичлари (эмоционал-иродавий, мазмунли-операцион, мотивацион) ижтимоий фаолликни белгилаб берувчи ижтимоий-сиёсий, ахлоқий билимлар, шахсий ижтимоий тажриба, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик мезонларини амалий-касбий фаолият тузилмаси билан интернал (ички) даражалаш асосида аниқлаштирилган;

ижтимоий фаолликни ривожлантириш моделининг амалий компоненти талабаларни кўнгилли гуруҳлар фаолиятига қизиқишини ошириш, тарбиявий

муҳитнинг таъсирчанлигини ошириш, фаол фуқаролик компетенциясини босқичма-босқич ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмини самарали қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг лойиҳавий таълим технологияси “Идеал ахлоқийлик намунаси”, “Келажак мактаби ўқитувчиси” ижтимоий лойиҳаларини модулли (билишга доир ва касбий) ва муаммоли (вазиятлар, кейс топшириқлари) таълим жараёнларида қўллашнинг ролли, ишбилармонлик ўйинлари, эвристик шаклларда моделлаштириш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг модели такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилган ҳамда педагогик фаолиятни ташкил қилиш самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг самарадорлик даражасини таъминловчи шакл, метод ва воситалар таклиф этилган.

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти яратилган ҳамда фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувлар ҳамда ижтимоий фаолликни ривожлантириш, республика ва чет эл олимлари, шунингдек, гуруҳ ва микро гуруҳ мураббийларининг педагогик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган муайян педагогик тизим ва назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; ижтимоий фаоллик даражасини белгиловчи мезонлар ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда касбий фаолиятга тайёрлашга доир компетенциялар аниқланганлиги; таълимий, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фанлараро модулли таълим технологиясининг самарали механизмлари такомиллаштирилганлиги, жараён

моделли, унинг педагогик-психологик асослари ва амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш бўйича олинган илмий

натижалар асосида:

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларининг ижтимоий фаолликнинг таркибий асослари, шахсий ижтимоий тажриба ва позиция билан алоқадорлигини аниқлаштиришга доир таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 281-сон буйруғи 1-илоvasи билан тасдиқланган “Талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ва ғоявий бардошлилигини мустаҳкамлаш бўйича услубий тавсиялар”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 октябрдаги 89-03-2267-сон ҳамда 2019 йил 30 сентябрдаги 89-03-3291-сон маълумотномалари). Натижада талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш бўйича тарбиявий фаолиятни ташкил этишнинг амалий аҳамиятлилик даражасини оширишга эришилган;

ижтимоий-педагогик мослашув босқичлари, ижтимоий фаолликни белгилаб берувчи ижтимоий-сиёсий, ахлоқий билимлар, шахсий ижтимоий тажриба, мустақиллик, масбулиятлилик, ташаббускорлик мезонлари, ижтимоий фаолликни ривожлантириш моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ИТД-4-122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009–2011 йй.) амалий лойиҳаси доирасида амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 октябрдаги 89-03-2267-сон ҳамда 2019 йил 30 сентябрдаги 89-03-3291-сон маълумотномалари). Натижада талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга доир таълимий модулларни жорий этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг лойиҳавий, модулли ва муаммоли таълим технологияларини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан ОТ-Ф8-214 рақамли “Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш” номли лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 октябрдаги 89-03-2267-сон ҳамда 2019 йил 30 сентябрдаги 89-03-3291-сон маълумотномалари). Натижада талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича компонентининг методик таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, шундан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, 138 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-назарий асослари, талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг тарихий тараққиёти, хорижий ва маҳаллий тажрибалар таҳлили ҳамда ижтимоий фаолликни ривожлантириш тамойиллари, ижтимоий фаолликнинг долзарб педагогик муаммо сифатидаги мазмуни ва амалиётдаги аҳволи илмий таҳлил этилган. Баркамол авлодни ижтимоий фаол кишилар қилиб тарбиялаш муҳим ўрин эгаллаши таъкидланиб, улардан фойдаланишнинг самарали йўллари ва педагогик имкониятларини аниқлаш вазифаси қўйилган.

Тадқиқот жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, файласуф, социолог ва ҳуқуқшунос олимларнинг изланишларида ўрганилганлиги аниқланган. Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни таъминлашга эришиш, жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам кўрсатиш ва фарзанд тарбиясида тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган буюк алломалар илмий мероси улкан аҳамият касб этиши баён этилган. Бу борада Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Абдурауф Фитрат, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар асарларида ижтимоий фаолликни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва методларидан ўринли фойдаланишнинг самарали жиҳатлари ўз аксини топган.

XX асрнинг иккинчи ярмида ёшлар муаммоларини ўрганиш ва таҳлил этиш масалалари А.Амутио, А.Ёланда, Л.Бреман, Ван Лиэр, Э.Гидденс, Л.Гонзалес, Э.Гоффман, А.Т.Коллинс, Д.Кэмпбелл, Р.Мюллер, Л.Мозенмайр, Л.А.Наборс, Р.Сеарс, А.Смит, Ф.Тенбрук, К.Франко, В.Франкл, Р.О.Ренэ, Л.Ж.Шпильт, Г.Шельскийлар томонидан амалга оширилган. Инсоннинг

гўдаклик ва болалик давридаги жинсий фарқлари Э.Дрюкгейм, З.Фрейдлар томонидан ўрганилган бўлса, аёл ва эркеклар фаоллигини таққослаш Н.Чодарцининг илмий изланишларига асос бўлган. Хусусан, XX асрнинг 20-йилларида К.Мангеймнинг “Авлодлар муаммоси” асарида ёшларда ижтимоий онгни тарбиялашмасаласи илк бор илмий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, асосий эътибор шахснинг ижтимоийлашуви муаммосига қаратилган.

Ж.Туленов ёшларда ижтимоий фаоллик мазмуни ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур, ифтихор туйғуси компонентларидан ташкил топишини, Т.А.Эгамбердиева аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик муаммолари, Қ.Қ.Куранбоев ёшлар ташкилотлари мисолида талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари, М.Махмудова кичик ёшдаги ўқувчиларда ижтимоий фаолликни тарбиялаш, Ф.Қаноатова ўқувчи-ёшлар интеллектуал фаоллигини оширишда халқ таълими тизимининг ўрни, А.Акрамов шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш, И.Р.Сафарбуваева ўқувчи шахсини фаоллаштиришда миллий менталитет элементларидан фойдаланишнинг педагогик асосларини тадқиқ этганлар.

Шахс ижтимоий камолотида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, шунингдек, ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар мазмунини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шахс ижтимоий камолоти ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражасига боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий борлиққа муносабатини белгилайди;

2. Ёшлар, хусусан, талабалар ижтимоий фаолликларини ривожлантириш шахс умумий камолотини таъминлаш ҳамда жамият ижтимоий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бугунги кунга қадар яхлит педагогик жараён сифатида тадқиқ этилмаган.

Ушбу муаммонинг педагогик аспекти таълим ва тарбия жараёнида шахс ижтимоий фаоллигининг янада муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган шароитларни аниқлаш ва ўрганишни ўз ичига олади.

Ижтимоий фаоллик мураккаб ва интеграл фазилат бўлиб, у ўзида ҳаётий фаолият сифатларининг бутун мажмуини ифода этади. Ижтимоий фаолликни ривожлантириш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу маънода, миллий ва диний қадриятлар нафақат халқнинг фалсафий, тарихий-маънавий мероси, балки баркамол шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади.

Ижтимоий фаоллик субъектнинг жамоа, гуруҳ ва уюшмалар билан мулоқотда бўлиш, атрофидагилар билан ҳамкорлик қилиш, тенгдошлари ва катта-кичик олдида маълум мажбуриятларни ижодий бажариш, тадбиркорлик кўрсатиш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этиш малакаларини ўз ичига олади. Фаолликнинг

юқори даражаси инсоннинг шахсий такомиллашишига, яъни индивидуал ривожланиши, такомиллашишига йўналган онгли ва тизимли фаолияти – ўз-ўзини тарбия қилишга интилишдир. Ижтимоий фаоллик инсонда бирданига шаклланмайди, балки умри давомида камол топиб боради. Шахс фаолияти маънавий ишлаб чиқариш соҳаси билан белгиланган ҳолда ҳам онгнинг, ҳам ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва намоён бўлишини, шунингдек, тафаккур фаолиятини камраб олади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ижтимоий фаоллик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ижтимоий фаоллик - шахснинг атроф-муҳит, жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган муносабатларининг интеграл тизими бўлиб, унинг индивидуал-типологик ва умри давомида шаклланиб боровчи ижтимоий шартланган хусусиятлари билан характерланади.

Мазкур бобда талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний, миллий-маънавий, педагогик-психологик омиллари тасниф қилинди. Жумладан, фалсафий омиллар ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий жиҳатдан таҳлил этилиб, тараққиётнинг “ўзбек модели”, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий фаолликни ривожлантириш жиҳатларини ўз ичига камраб олди. Психологик омиллар интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳа билан алоқадорликда таҳлил этилиб, мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахслик сифатларининг ўрни тадқиқ этилди. Педагогик омиллар таркибига эса миллий тарбия, тарбия парадигмалари, мулоқот, ахборот маданияти, ижтимоийлаштиришга тайёргарлик кабилар киритилди.

Тадқиқот натижалари олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий фаоллиги ахлоқий тарбия, ижтимоий-педагогик фаолият ва маънавий маданиятнинг уйғунлиги асосида такомиллаштиришни тақозо этиши ҳақидаги хулосага келиш имконини берди. Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда қуйидаги компонентларга асосланиш зарурлиги боб мазмунига сингдирилди:

ўз-ўзини англашнинг юксак даражаси; фуқаролик, ўз кадр-қимматини ҳис қилиш, ўзини ҳурмат қилиш, интизомлилик, тўғрилиқ; маънавий қадриятларга эътиборлилик; қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва маъсулиятни ҳис қилиш; ҳаётий фаолият мазмунини эркин танлаш; меҳрибонлик, яхшилик; альтуризм, сабрлилик, чидамлилик, камтарлик; осойишталик, яхши кўшничилик, миллий ва умуминсоний қадриятларни тушунишга интилиш; билиш ва ўз-ўзини англаш, гўзаллик, рефлексия, мулоқот ва ҳаёт мазмунини чуқур тушунишга эҳтиёж; ички дунё автономияси, яхлитлик; ривожланган қобилиятлар; фаолият ўзгартирувчи илмий билимлар, малакалар, кўникмалар, интеллект, институция, ижодий ҳаётга эҳтиёж; иқтисодиёт асосларини билиш; меҳнатсеварлик, тежамкорлик; чет тилларни ўрганиш; миллий ва диний урф-одатларни билиш; соғлом турмуш тарзи; жисмоний тобланиш; эстетик дид, яхши амаллар; озодалик, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва оила фаровонлигини таъминлаш;

эрудиция, компетентлилик; тадбиркорлик, рақобатбардошлилик, бошқариш қобилияти; киришимлилик; ижодий профессионал фикрлаш қобилияти, тарихни, турли халқлар маданиятини билиш ва ҳоказо.

Шундай экан, шахс ижтимоий фаоллиги ривожланишида унинг индивидуаллиги намоён бўлади. Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаоллик уларнинг ижтимоий-сиёсий, меҳнат, билиш жараёнлари, кундалик турмуш тарзи, муайян билимлар ҳажми ва жамиятдаги ахлоқ меъёрларини ўзлаштириши орқали ривожлантирилиб борилади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида таълим-тарбия жараёнида талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари ёритиб берилган.

Талабалар ижтимоий фаоллиги ўз олдига мақсад қўйиш, унга эришишда юқори даражада куч-ғайрат, шижоат, жўшқинлик билан фаолият кўрсатиш ва меҳнат қилишида намоён бўлади. Чуқур билим, етарли малакага эга бўлиб, жамият ҳаётида ўзига муносиб жойни эркин эгаллаш ҳамда юқори натижа билан ишлашни ҳам талаб этади.

Ижтимоий фаолликни ривожлантириш маҳорат ва ишбилармонлик билан қўпгина эҳтиёжларини қондира оладиган бўлажак мутахассисни вояга етказишдир. Бу эса зарарли ва ёт ғояларга, атроф-муҳитга зиён етказувчиларга қарши курашиш, жамият аъзоларига салбий таъсир кўрсатадиган ижтимоий, руҳий, иқтисодий ҳолатларнинг олдини олиш, барқарорлик ва тинчликни сақлаш хусусиятиларини тарбиялашга чамбарчас боғлиқ.

Ижтимоий фаолликни ривожлантириш асосида давлат ва жамиятга фойдали шахсларни камол топтириш, уларни юрт тинчлигини сақлашга жалб этиш, ўз фаолиятини халқ манфаатларига йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга эришиш, кучли, адолатли, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродасини мустаҳкамлашни турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантириш руҳида тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, ўз навбатида, мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи мезонларни аниқлаштириб олишни тақозо этди. Бу мезонлар: ижтимоий фаолликнинг анланганлик даражасини характерлайдиган ғоявий, маънавий тасаввурларнинг шаклланганлик даражаси; ижтимоий фаолликнинг зарур компонентлари сифатида амалий касбий малакаларни эгаллаш даражаси; ижтимоий фаоллик мотивациясининг ривожланиш даражаси; мустақиллик ва ташаббускорлик, топқирлик, тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кабилардан иборат.

Талабаларда ижтимоий фаолликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари сифатида атрофдагиларига нисбатан меҳрибонлик, ҳозиржавоблик; жамоат ишларида ташаббускорлик; ижтимоий топшириқларда фаоллик; оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик; мустақилликни тушуниш ва унга интилишнинг мавжудлиги; келгуси фаолиятини

режалаштириши ва режага мувофиқ ҳаракат қилиш малакаси; белгиланганларни бажаришда қатъийликнинг намоён бўлиши; ўз ишини ўзи назорат қилиш, таҳлиллаш ва баҳолаш қобилиятларини белгилаш мумкин.

Масъулиятлилик – ижтимоий фаолликни ривожлантириш мезонларидан бири бўлиб, бунда талабанинг масъулият туйғуси билан яшаши, фаолият маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда ўзи ва ўзгалар учун наф келтиришини англай олиш қобилияти ривожланади. Масъулиятни ҳис қилган талаба ишини доимо пухта режалаштириб, унинг сабаб-оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун куч ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Ижтимоий фаолликни ривожлантиришда атроф-муҳитга ёндашув, ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш, ижтимоий-руҳий ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш миллий кадриятлар мазмунини англаш, чуқур маълумотга эга бўлиш, ғоя ва назариялар моҳияти билан танишиш орқали ҳосил қилинган қараш, тасаввур, ҳиссиёт ва эътиқодлар тизими тушунилади.

Талабалар ижтимоий фаолиятини ташкил этиш таълим-тарбия жараёни ташкилотчиларининг мақсадли равишда билим, иқтидор, кўникма, дунёқараш, шахсий кадриятлар тизимини шакллантиришни назарда тутди. Бу тизимни шакллантириш ўқитувчи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, ижтимоий-педагогик, умумпедагогик технологиялардан фойдаланиш, унинг модулини ишлаб чиқиш, интерфаол методларни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Дарс машғулотларнинг диалектик, инсонпарварлик, табиат билан уйғунликда амалга оширилиши талабаларда тадқиқотчилик, ижодий, ижтимоий-маданий хусусиятларини ривожлантиради. Уларда ўз-ўзини бошқариш механизми ахлоқий-эстетик, ҳаракатли-амалий ва ижодий сифатларни таркиб топтиради.

Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий ва ижтимоий жараёнда кичик гуруҳлар, индивидуал “маслаҳатчи” тизимларни ташкил этиш, ахборотлар (китоб билан ишлаш)ни мустақил ўрганиш, компьютерни бошқариш, ўзаро ўқитиш, ўз-ўзини йўналтириш каби фаолиятини ташкил этишда муаммоли изланишлар, тадқиқотчилик ишлари, ижодий, ўйинли, лойиҳали, продуктив, ўз-ўзини ривожлантириш каби ўқитиш методларидан фойдаланиши талабалар ижтимоий фаоллигини оширади. Бунинг натижасида уларда интерактив, индивидуал, ҳамкорлик педагогикаси, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзига таълим бериш хусусиятлари такомиллаштирилади.

Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш мақсадида ўқитувчи материални методик ва дидактик жиҳатдан қайта тиклаш ва ижтимоий-тарбиявий функцияларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Ижтимоий ва маданий билим даражасини ошириш бўйича уларнинг шахсиятида алоҳида ўрин тутадиган маданий ҳодисалар, ижтимоий воқеалар, бадиий образларни такдим этади. Ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил турлари, шакл ва методларини амалга ошириш билан бирга талабаларда изланиш, такдим этилаётган материалларни чуқур ўрганишга эҳтиёж, ташаббус, қизиқиш ва изланишга туртки беради.

Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда турли методларни

қўллаш самаралидир. Педагогик фанларга доир ўқув-тарбиявий ишларда оғзаки (онга таъсир этувчи) – ҳикоя, китоб билан ишлаш, тушунтириш, ишонтириш, таққослаш, саволларга жавоб бериш, одоб-ахлоқ ҳақида суҳбатлар, истиқболни муҳокама этиш, маъқуллаш ёки рад этиш каби метод ва усуллар талабалар онгига қатъий таъсир этади.

Миллий анъаналар, беллашув (индивидуал ва гуруҳли мусобақа), назорат, жамоавий жипслик, жамоавий фикр, жамоадаги ўзаро уйғун кайфият, ҳисоботлар, йиғилиш, эришилганларни муҳокама қилиш ва баҳолаш, мушкул вазиятларда дўстларга ёрдам бериш, кўмаклашиш кабилар ҳам талаба шахсини фаоллаштиради. Айниқса, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, тарбиявий (ижтимоий-фойдали фаолият, беморлар, кекса кишилар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш, табиатни муҳофаза этиш, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлаш, шанбаликларда иштирок этиш, бадий ижодкорлик ва ҳоказо) вазифаларни амалга ошириш, тартиблилик, яхши муомала, ижтимоий топшириқ, фаолиятни моделлаштириш, ички (психологик) қийинчиликларни ва кўнгилсизликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда излаш, тажрибага асосланиш, талаб, тренинг, бошқаларга ёрдам кўрсатиш, тажриба орттириш ҳамда психо-педагогик тестлар ўтказиш кабилар муҳим ҳисобланади. Шунингдек, талабалар ижтимоий фаоллигини ташкил этишда масъуллик ҳиссини ошириш кабилар ҳам талаба шахсини ривожлантиради. Бунда талабалар муҳим аҳамиятга эга мақсадларни намоён этиш орқали ижтимоий психик ҳолатлар, хулқ-атвор, психологик қўллаб-қувватлаш, ўғит-насихатларни босқичма-босқич ўз фаолиятларида амалга ошириб мустаҳкамлайдилар.

Ушбу бобда талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик фаолиятга тақлид қилиш, мутахассисликнинг ижтимоий масалаларига доир махсус семинарлар ташкил этиш, ўқитиш мазмунига битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларига педагогик муаммоларни ижтимоийлаштиришга доир бўлимларни киритиш, педагогика, этика, эстетика ҳамда экология бўйича маданий-инсонпарвар дастурларнинг фанлараро блокларини ишлаб чиқиш долзарб саналишига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу борада ўқитувчи раҳбарлигида мунозара, конференция, “ақлий ҳужум”, “кейс-стади” (аниқ намуна асосида ўқитиш), имитацион моделлаштириш, сценарийлар ишлаб чиқиш, билимлар харитасини тузиш, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи метод ва технологияларни қўллаш ўқув материални фаол ўзлаштириш ва асосий тушунчаларни эгаллашга имкон беради. Мақсадга мувофиқ муаммони аниқлаш ва шакллантириш, фаолият воситаларини танлаш, моддий-техник ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш усулларини ўзлаштириш, амалий натижаларга эришиш ва таҳлил этиш талабаларнинг шахсий тажрибаларини оширади.

Ижтимоий фаолликни ривожлантиришда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки АКТ воситалари талабаларга воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни излаш ва


қайта ишлаш, ахборотни бир турдан бошқасига кўчириш, улар ичидан зарур билимларни танлаб олиш, фақат объект ва ҳодисанигина эмас, балки муаммоли жараёни ўрганиш, масофавий мулоқот, ўз меҳнати натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш учун имкон яратади.

Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг яхлит тизими – мутахассислар тайёрлаш мазмунини биринчи курсдан бошлаб касб тайёргарлиги жараёнида; ривожланиш шароитлари, педагог малакаси ва маҳоратига боғлиқ бўлган шахс шаклланиши жараёнларининг аниқ таклифи; аниқлаш усули – олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари тажрибаси; асосий восита – ўқув-тарбия жараёнининг касбий йўналиши тавсифланган босқичларни ўз ичига қамраб олган замонавий ва тизимли ёндашув асосида педагогик механизмлар ишлаб чиқилди:



**1-расм. Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик механизмлари**

Олий таълим муассасалари талабалари ижтимоий фаоллигини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш моделини тузишда қуйидагиларга асосланилди:



**2-расм. Олий таълим муассасаси талабалари ижтимоий фаоллигини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш модели**

Мазкур модел олий таълим муассасаси талабалари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг барча шакллари ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаоллик кўникмаларини такомиллаштиришни назарда тутди. Моделда талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш мақсади белгиланган. Ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга оид билим, кўникма ва малакалар касбий тайёргарлигига боғлиқ жараёнлар билан бирга шахсий хислатлари, касбий аҳамиятга эга сифатлари, қобилияти ва компетентлигига боғлиқдир. Бунда:

1. Педагогик фаолиятда ҳар қандай концептуал моделда муайян даражадаги ижтимоий фаоллик хусусиятлари кўп қирралилигини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолият жараёнларини моделлаштириш тизимнинг энг асосий, фундаментал даражаларини танлаш принципига кўра юз беради.

2. Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик тушунчаси ижтимоий жараён ва педагогик фаолиятининг ҳам субъекти ҳисобланади.

3. Қайта акс эттириладиган объект моҳияти тўлиқ ифодаловчиси сифатида талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг интегратив модели танланди. Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришда илғор тажриба ва фаолиятнинг аниқ сифатлари бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирини давом эттирувчи тарзида намоён бўлади. Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришда касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик умумий фаолиятнинг касб соҳасида намоён бўлишидир.

4. Ушбу моделни тузишдан мақсад педагог фаолияти соҳаларининг умумлаштирилган тузилмасини қисмларга ажратиш ҳисобланади. Мана шу тузилма воситасида тадқиқотнинг фаолиятга йўналтирилганлиги очиб берилади.

